Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 214 (6. 405) 1987 йил 19 сентябрь, шанба Баҳоси 3 тийин

1917 1987

## Пахтакорлар учун техника

**Улуғ Октябрь юбилейига бағишланган коммунистик шанбаликда «Тошкент трактор заводи» бирлашмасида тайёрланган маҳсулот шу куниёқ пахта далаларига жўнатилади.**

**Меҳнат байрами кунида 90 та трактор, 100 та прицеп, кўпгина эҳтиёт қисмлар ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш режалаштириб қўйилди.**

**Тракторсозлар шанбаликка пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Цехларда, участкаларда тежаб қолинган хом ашё, материаллар запаси ҳозирланмоқда, энергия резерви вужудга келтирилмоқда. Шанбалик штаби зарбдор меҳнат вахтаси учун ҳамма нарса етказиб берилишини назорат қилади.**

**Шу куни тракторсозлар корхона ва унинг ён-веридаги территорияларни ободонлаштирадилар, уй-жой микрорайонларида ишлайдилар.**

## Юксак мажбуриятлар қабул қилинди

**«Ташкенткабель» заводи иккинчи цехи коллективи Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган шанбалик куни, яъни 17 октябрда бажариладиган ишларни белгилаб чиқди. Қарийб 50 километр узунликдаги геофизика кабели, 9 километр шланг симлари ишлаб чиқаради. Цех шу куни бир неча ўн минг сўмлик товар маҳсулоти тайёрлайди.**

**Цех меҳнаткашлари маҳсулот сифатига алоҳида эътибор бермоқдалар. 17 октябрь куни тайёрланган маҳсулотнинг ҳаммаси давлат қабули ходимларига биринчи тақдимнинг ўзидаёқ топширилади.**

**Иккинчи цех коллективи икки сменада ишлайди, шанбалик куни эса ҳамма биргаликда ишга чиқади. Асосий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган кабелчилар ғалтакларни брак ва чиқиндилардан тозалайдилар, территорияни ободонлаштириш ишларида иштирок этадилар. Ишлаб топилган барча маблағ беш йиллик фондига ўтказилади.**

## Келгуси йил ҳисобига

**Дилбар Қосимова Тошкент тўқимачилик комбинати арқоқ-йигирув цехида йигирувчи бўлиб ишлайди. У беш йилликнинг бошидан иш суръатини пасайтирмай келмоқда. У шу кунларда «Улуғ Октябрь социалистик революцияси 70 йиллиги шарафига» шиори остида мусобақада фаол иштирок этиб, нормада белгиланган 1180 урчуқ ўрнига 1344 урчуққа хизмат кўрсатаяпти.**

**Д. Қосимова шундай зичликда ишлашига қарамай, кейинги пайтда ишлаб чиқариш кўрсаткичларини 140—150 процентга етказиб бажаришга эришмоқда.**

**Шу билан бирга, қайта ўралган калаванинг 96 процентини биринчи сортга топшираётир. Илғор ишчи 8 ой мобайнида 71 тонна калава топширди. Бу маҳсулотнинг 19 тоннаси планга қўшимча равишда ишлаб чиқарилди.**

**Д. Қосимова ҳозир 1988 йил октябрь ойи ҳисобига меҳнат қилаётир.**

**Д. ОБЛАЕВ.**

# КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 17 сентябрда бўлиб ўтган мажлисида давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси тўғрисидаги Низом лойиҳасини кўриб чиқиб, асосан маъқуллади. Низомда халқ хўжалиги асосий бўғинининг тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш шароитида ишлайдиган мана шу энг йирик ташкилий структураси составига бир ёки бир неча тармоқнинг корхоналари, бирлашмалари ва ташкилотлари кириши мумкинлиги кўзда тутилган. Давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси умумиттифоқ ёки регионал бирлашма бўлиши мумкин. Унинг таркибига кирувчи корхоналар мустақиллигини сақлаб қолади ва ўз фаолиятида давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунига амал қилади. Давлат ишлаб чиқариш бирлашмасини бошқариш директорлар кенгаши ва шу кенгаш сайлайдиган бош директор томонидан демократик асосда амалга оширилади. Унинг таркибига кирувчи корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар меҳнат коллективлари вакилларининг кенгашини тузадилар.

Мажлисда мамлакат химия-ўрмон комплекси тармоқларига раҳбарликни янада такомиллаштиришга доир тадбирлар муҳокама қилиниб, маъқулланди. Ҳукуматнинг доимий ишлайдиган органи тарзида СССР Министрлар Советининг химия-ўрмон комплекси бюросини тузишга қарор қилинди. Халқ хўжалигини химиялаш миқёсини кенгайтириш, мамлакатнинг химия, нефть химияси, целлюлоза-қоғоз, ёғочсозлик, медицина ва микробиология маҳсулоти янги турларига бўлган эҳтиёжларини тўла-тўкис қондириш шу органнинг энг муҳим вазифалари бўлади.

Партия Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленуми йўл-йўриқларига мувофиқ КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Илмий ташкилотларни тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтказиш тўғрисида»ги қарори кўриб чиқилиб, асосан қабул этилди. Қарорда таъкидланишича, илмий-тадқиқот, лойиҳа, конструкторлик ва технология ташкилотлари ўз фаолиятида давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунининг қоидаларига амал қилишлари лозим.

Илмий ташкилотларни министрликлар ва идоралар томонидан пул билан таъминлашдан бевосита хўжалик шартномалари тузиш ва ишлар бажарилиб бўлганидан кейин уларга ҳақ тўлаш йўли билан илмий ишланмаларни бевосита буюртмачи томонидан пул билан таъминлашга ўтиш белгиланди.

СССР министрликлари билан идораларига ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига илмий ташкилотларни халқ хўжалиги тармоқларидаги бирлашма ва корхоналарни тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтказиш учун белгиланган муддатларда, шунингдек академия ва олий ўқув юртлари фанининг хусусиятларини эътиборга олиб, янги иш шароитларига ўтказиш таклиф қилинди.

Мажлисда хўжалик юритишнинг янги шароитларида ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланди, бу чора-тадбирлар министрликлар, идораларнинг, иттифоқдош республикаларнинг, бирлашма ва корхоналарнинг, совхоз ва колхозларнинг социалистик, ривожланаётган ва капиталистик мамлакатларнинг ташкилотлари билан ишлашини кучайтиришга қаратилган. Ташкилотларнинг ташқи иқтисодий ҳамкорлик соҳасида мустақил қарорлар қабул қилиш юзасидан ҳуқуқларини анча кенгайтириш тўғрисидаги таклифлар қўллаб-қувватланди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Эфиопия Халқ Демократик Республикаси эълон қилиниши муносабати билан ўтказилган тантаналарда қатнашган Л. Н. Зайков бошчилигидаги совет партия-давлат делегацияси ишининг якунларини маъқуллади. Эфиопия Халқ Демократик Республикасининг барпо этилиши, конституцион идора усулларига, халқ ҳокимиятига ўтилганлиги Эфиопия халқи турмушидаги тарихий воқеа эканлиги, бу эса Эфиопия революциясининг ривожланишида янги босқич бошланганидан дарак бериши таъкидланди.

Эфиопия Ишчи партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Президент Менгисту Хайле Мариам билан ҳамда Эфиопиянинг бошқа раҳбарлари билан бўлган ва ўртоқларча ҳамжиҳатлик муҳитида ўтган суҳбатлар ҳозирги дунёнинг энг муҳим масалалари хусусидаги позицияларнинг муштараклигини, иккала томоннинг ўз мамлакатлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга интилаётганлигини тасдиқлаганлиги мамнуният билан қайд этилди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси совет жамиятини иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг, совет давлати ташқи сиёсий фаолиятининг бошқа баъзи масалаларини ҳам муҳокама қилди.

## Оқ йўл, «Тошкент комсомоли»!

Тошкент метрополитени ҳаракатдаги состав хизматининг 3-комсомол-ёшлар колоннаси шу йил март ойида бир электропоездга етарли темир-терсак тўплаш ва уни «Тошкент комсомоли» деб аташ ташаббуси билан чиққан эди. Бу ташаббусни Тошкент метрополитенининг комсомол ташкилотигина эмас шаҳар комсомол комитети ҳам қизғин қўллаб-қувватлади. Ёш машинистларнинг ғояси комсомолларга ўзларини амалий ишда намоён этиш имконини берди. Барча районларда ташкил этилган шанбаликларда комсомоллар билан бирга пионерлар ҳам иштирок этишди.

Бу ташаббусга Митишчи машинасозлик заводининг комсомол-ёшлари ҳам «лаббай» деб жавоб бердилар. Улар тошкентликлар тўплаган темир-терсаклардан электропоезд монтаж қилишни ўз зиммаларига олиб, уни аниқ, белгиланган муддатда адо этдилар. Шу йил август ойининг охирларида «Тошкент комсомоли» электропоезди Ўзбекистон пойтахтига келган эди. Куни-кеча бўёқлари ярақлаб турган янги электропоезд дастлабки пассажирларни қабул қилди. Уни биринчи бўлиб линияга олиб чиқиш ҳуқуқини комсомол аъзоси Владимир Жаров машинистлар ўртасидаги мусобақада ғолиб чиқиб қўлга киритди.

«Тошкент комсомоли» электропоезди метро пўлат излари бўйлаб қатнай бошлади. Уни Тошкент метрополитени 3-комсомол-ёшлар колоннасининг аъзолари — комсомоллар ва ёш коммунистлар бошқарадилар.



**СУРАТЛАРДА: юқорида — «Тошкент комсомоли» электропоездини биринчи бўлиб бошқариш ҳуқуқини қўлга киритган Владимир Жаров; пастда — янги электропоезд сафарга чиқиш олдидан.**

М. Нуриддинов фотолари.



## Ҳиммат

**Йил сайин сув сатҳи камайиб бораётган Орол денгизининг муаммолари кўпчиликни ташвишлантирмоқда. Оролни қутқариш бўйича ташкил этилган 778-ёрдам фондига турли жойлардан маблағлар келиб қўшилмоқда.**

**Тошкентдаги «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчи ва хизматчиларидан бир неча киши ўз жамғармаларидан бир қисмини Орол фондига ўтказдилар. Ҳиммат кўрсатган кишилар орасида 1-ётоқхонада истиқомат қилувчи А. Асроров, Ш. Эшназарова, З. Ҳамдамова, Ю. Жўраев, И. Дўстов, Р. Ҳусанов ва бошқалар бор. Уларнинг жамғармаси 83 сўмни ташкил этди.**

## Экскурсоводлар кўпаймоқда

Шаҳримизга мамлакатимизнинг турли ўлкаларидан келаётган саёҳатчилар кўпайиб бораётганлиги муносабати билан экскурсоводларга талаб ошиб бопяпти. Шунинг учун ҳам Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси қошида ташкил этилган экскурсоводлар тайёрлаш курсларида ўқишлар қизғин бормоқда. Суҳбатларни Р. Иброҳимов, М. Филанович, Э. Ртвеладзе, Н. Султонова, А. Бердинцев, Ф. Наточиев ва бошқалар ўтказишмоқда.

Янги ўқув йили бу ерда қизғин бошланди. 200 тингловчи шаҳар ва шаҳар атрофи мавзуси бўйича экскурсия олиб бориш маҳоратини эгалламоқда.

**Д. МАЖИДХЎЖАЕВА.**

## ФИДОЙИ АЁЛЛАР

Чилонзор райони аҳолиси Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ўтказилган «Ҳужум» ҳаракатида қатнашган фидойи аёллари билан фахрланади. Улар эндиликда бахли ҳаёт гаштини суриб, ёш авлодга намуна бўлмоқдалар. Пенсионерлардан Мавжуда Алихўжаева, Муқаддас Қосимова, Муяссар Эшонхўжаева ва 22-боалалар уйининг директори Антонина Павловна Хлебушкина ана шундай ҳурматли кишилардир. Улар шу кунларда районнинг маҳаллалари ва корхоналарида бўлаётган учрашувларда ўша алангали йилларнинг матонати ҳақида гапириб бермоқдалар.

Куни кеча Чилонзор район хотин-қизлар советининг «Ҳужум» ҳаракатининг 60 йиллигига бағишланган тантанали конференциясида ана шу ҳурматли аёлларнинг номлари фахр билан тилга олинди. Район хотин-қизлар советининг раиси Озода Эшонхўжаева «Ҳужум» ҳаракатининг Ўзбекистонда тутган катта тарихий аҳамияти ҳақида доклад қилди. Шундан кейин Ўзбекистон ССР халқ артисти Машраб Юнусов, Муқимий номли музикали театр директори Б. Насриддинов конференция қатнашчиларини қутлуғ байрам билан муборакбод этдилар.

**Р. ФАЙЗИЕВА,**
**«Билим» жамияти Чилонзор район ташкилоти раисининг ўринбосари.**

## Замондошимиз



## Меҳр маликаси

**Шу кунларда тез-тез тилга олинаётган, тарихимизнинг қутлуғ санаси сифатида нишонланаётган «Ҳужум» ҳаракати ҳақида биз нима биламиз! Албатта, ўша ҳаракатнинг қатнашчилари, бевосита гувоҳлари бўлган муҳтарама онахонлар оз бўлсада орамизда бор, бироқ уларнинг сўзларидан, хотираларидан бошқа биз яна нимани биламиз! Бу ўринда бир нарсани таъкидлаш жоиз: Хотин-қизларнинг паранжи ташлаши ҳали озодлик эмас эди, бу ўринда энг муҳими — маънавий озодлик эди ва...**

**Улуғ Октябрь социалистик революцияси рўй бергандан кейин ўтган 70 йил давомида хотин-қизларимиз биз айтган ўша маънавий озодликка эришдилар. Айни кунларда жамиятимизнинг турли жабҳаларида тер тўкаётган, фидойилик кўрсатаётган минглаб, миллионлаб хотин-қизларимиз ана шу маънавий эркнинг гаштини суриб меҳнат қилишмоқда.**

**Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси Маҳфуза Алимова ана шундай жонкуярлардан. У мазкур корхонада 14 йилдан буён меҳнат қилмоқда. Ёшлар мураббийси, Киров район Советининг депутати сифатида талай хайрли ишларни амалга оширмоқда. План-топшириқларни бажаришдагина эмас, муомала, одоб-эҳтиромда ҳам, бошқаларни, улар меҳнатини қадрлашда ҳам намуна бўлмоқда.**

**— Гап намуна бўлишда эмас, — дейди М. Алимова. — Энг муҳими — меҳрда, меҳнатга меҳрда.**

**Биз ҳам меҳр маликасининг бу сўзларига қўшиламиз.**

**СУРАТДА: М. Алимова.**

**Р. Шарипов** фотоси.

### *Тонгги газеталарда*

**⊙ «Хавф-хатарсиз дунёнинг реаллиги ва гарантиялари» сарлавҳаси остида М. С. Горбачевнинг мақоласи эълон қилинган.**

**⊙ 18 сентябрь куни Тошкентда Осиё ва Тинч океани мамлакатлари учун БМТ иқтисодий ва социал комиссияси (ЭСКАТО) мутахассисларининг халқаро семинари иш бошлади. «Социал ва иқтисодий тараққиётда хотин-қизларнинг роли» семинарга мавзу қилиб олинди.**

## Қрим татарлари вакилларининг республика ишчи комиссиясида

Тошкентда Ф. Сефершаев раислигида қрим татарлари вакиллари республика ишчи комиссиясининг область комиссиялари раислари иштирокида кенгайтирилган мажлиси бўлди.

Комиссия мажлисида комиссия раисининг ўринбосари О.К. Адамановнинг республика комиссиясининг иши тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Республика ишчи комиссияси аъзоларининг ва область ишчи комиссиялари раисларининг нутқларида уларнинг номига кўпдан-кўп мактублар, аризалар, телеграммалар ҳамон келаётганлиги, одамлар оғзаки мурожаат қилаётганликлари айтиб ўтилди. Уларда мамлакатда КПСС XXVII съезди қарорлари асосида амалга оширилаётган қайта қуриш, демократия ва ошкоралик ривожланаётганлиги туфайли муаммоларни комплекс кўриб чиқиш мумкин бўлганлиги алоҳида таъкидланади. Қрим татарларнинг эҳтиёжлари ва талабларига эътибор билан муносабатда бўлинаётганлиги учун, меҳнат коллективларида осойишта, ишчанлик муҳити таъминланаётганлиги учун партия ва совет органларига миннатдорчилик изҳор қилинади.

Мурожаатларда кенг ошкоралик ва демократия имкониятлари яратилганлигидан худбинлик, ғаразгўйлик мақсадларида фойдаланаётган, қрим татарларнинг муайян қисмини, айниқса ёшларни турли йиғинлар ўтказишга гиж-гижлаётган, одамларни жамоат тартибини бузишга ундаётган экстремист кайфиятдаги кишиларнинг хулқ-атвори кескин қораланади.

Аризалар ва мурожаатларда қрим татарларни ана шундай кимсаларнинг даъволари ва масъулиятсиз уринишларидан ҳимоя қилиш талаб этилади.

Сўзга чиққан кишилар ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни қоралаб, экстремист кайфиятдаги гуруҳлар тазйиқ ўтказаётганлиги, турли шартлар қўяётганлиги қрим татарларнинг мамлакат партия ва давлат органларига йўллаган аризалари ва хатларида баён этилган проблемалар комплексини ҳал этишни қийинлаштиради, деб таъкидладилар.

Мажлис қатнашчилари қрим татарларга мансуб ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг асосий қисми Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари билан биргаликда Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олишга, беш йиллик иккинчи йили топшириқлари муваффақиятли бажарилишини таъминлашга интилаётганлигини мамнуният билан таъкидладилар. Беш йиллик планлари халқ фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик билан суғорилган.

Комиссиянинг кенгайтирилган мажлисида қрим татар гражданларнинг аризаларида ўртага қўйилган проблемалар бутун комплексини кўриб чиқувчи давлат комиссиясининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

Мажлисда ва масалаларни муҳокама қилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов иштирок этдилар. Комиссиянинг кенгайтирилган мажлиси ишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский қатнашди.

Республика ишчи комиссияси составини кенгайтириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Комиссия составига Чирчиқ шаҳридаги 160-қурилиш трестининг бошқарувчиси, Тошкент область партия комитетининг аъзоси, қрим татарлари вакиллари Тошкент область ишчи комиссиясининг раиси Азиз Керимов; Ўзбекистон ССР енгил саноат министри Эскендер Аппазович Таймазов; «Ленин байрагъы» республика газетасининг редактори, Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Нуззет Абибуллаевич Умеров; «Узстроймеханизация» трестининг бошқарувчиси, Тошкент шаҳар Октябрь район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг аъзоси, халқ депутатлари район Советининг депутати Эрнест Фегмиевич Хаваджи ўртоқлар киритилдилар.

Мажлисда келгусидаги ишлар плани аниқланиб, область комиссиялари билан биргаликда амалга ошириладиган тадбирлар белгиланди.

(ЎзТАГ).

## ИШЛАРНИ ЖОНЛАНТИРАЙЛИК

### Қолган ишга қор ёғар

**Кеча Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетида шаҳар хўжалигини, саноат ва транспорт корхоналарини, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектларини 1987—1988 йилги кузги-қишки даврга тайёрлаш учун масъул бўлган ташкилотларнинг раҳбарлари иштирокида кенгаш бўлиб ўтди.**

**Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин сўзга чиқди. У шуни таъкидладики, қиш яқинлашиб қолаётганига қарамай иситиш мавсумига тайёргарликда ҳали йирик нуқсонлар мавжуд. Бундай нуқсонлар иссиқлик трассаларини ётқизиш билан боғлиқ ишларда кўзга айниқса яққол ташланади. Бу ерда белгиланган ҳажмдаги барча ишлар бажарилмаганлигидан ташқари кўпгина объектларда ишлар қўл учида қилинмоқда, бундай ишларни ўзбошимчалик билан кўзда тутилган вақтдан анча олдин чала равишда тугатиб қўймоқдалар. Айрим кўчалар иссиқлик трассалари ўтказиб бўлингандан сўнг асфальтланмай қолдириб кетилмоқда. Йўллар ремонтида ҳам бирмунча қолоқликка йўл қўйиляпти, уй-жой фондини иситиш мавсумига тайёрлашда ҳам шундай ҳол кўзга ташланади. Шаҳардаги кўпгина уй-жойлардан фойдаланиш участкаларида иситиш системаларини ювиш ва бошқа ишларда расмиятчиликка йўл қўйилмоқда, уйларни, томларни капитал ремонтдан чиқариш сифатсиз бажарилмоқда.**

**Кенгашда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Л. А. Костин, «Таштеплосеть» корхонаси директори вазифасини бажарувчи Б. Ш. Усмонов, «Таштеплокоммунэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори С. М. Қосимов, «Таштеплоцентраль» ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори Ў. С. Ҳошимов, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари, ободонлаштириш Бош бошқармасининг бошлиғи Ҳ. Ё. Охунжоновларнинг ахборотлари тингланди.**

**Кенгашда барча раҳбарларнинг диққат-эътибори мавжуд қолоқликларга, қишга тайёргарлик бўйича ишларнинг паст савиясида эканлигига қаратилди. Улар огоҳлантирилдилар. Ишларни жонлантириш ва уни иситиш мавсуми бошланишига тугаллаш таклиф этилди.**

